

**Ахборотдан фойдаланувчиларнинг очик йиғилишларда бевосита
қатнашишни таъминлаш тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

I. Умумий қоидалар

1. Бош бошқарма фуқаролар (жисмоний шахслар), шу жумладан, ташкилотлар (юридик шахслар), жамоат бирлашмалари, вазирлик, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари вакилларининг ўз коллегиял йиғилишларида иштирок этишлари имкониятини таъминлайди.

2. Бош бошқарма коллегиял йиғилишлари жамоатчилик учун очик ҳисобланади, ёпиқ йиғилишлар бундан мустасно.

**II. Йиғилишлар ўтказиш тўғрисида ахборотдан фойдаланувчиларни
хабардор қилиш**

3. Бош бошқарма ўз веб-сайтида очик йиғилишлари кун тартибини, шунингдек, уни ўтказиш санаси, вақти ва жойини кўрсатган ҳолда йиғилиш ўтказиш режасини эълон қилади.

4. Бош бошқарма ўзи жойлашган жойларда ахборот стендини жиҳозлайди, ушбу стенда йиғилиш кунидан камида бир ҳафта олдин йиғилишнинг кун тартиби, вақти, шунингдек, йиғилиш ўтказишнинг очик ва ёпиқ режими тўғрисида ахборот жойлаштирилади.

III. Йиғилишларда қатнашишни ташкил қилиш

5. Фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар вакилларининг йиғилишларда иштирокини таъминлаш мақсадида вазирликда тегишли йиғилишда иштирок этишни хоҳловчилар рўйхатга олиш журналига ёзилади. Ташриф буюрувчи тўғрисидаги ахборотни қайд қилиш ва унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг мавжудлиги йиғилишда қатнашиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Ёзув йиғилишда иштирок этишни хоҳловчи фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахснинг вакили учун – юридик шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, номи, шунингдек эгаллаб турган лавозимини ўз ичига олади. Бошқа маълумотлар ёки ҳужжатларни тақдим этиш шарт эмас.

6. Ташкилий-техник имкониятлардан келиб чиқиб йиғилиш ўтказиш залида ташриф буюрувчилар учун жойлар жиҳозланади. Ташриф буюрувчилар учун жойлар сони ёзилганлар сонидан келиб чиқиб ҳисобланади. Жойларни тақдим этиш кетма-кетлигининг устуворлиги рўйхатга олиш журналидаги ёзувнинг кетма-кетлигидан келиб чиқади.

7. Бош бошқарма сигнални бошқа хоналарда жойлашган, Бош бошқарма биносидан жойлашган бошқа хоналардаги телеқабул қилгичларга тўғридан-тўғри трансляция қилиш орқали йиғилишларда қатнашишни қўшимча ташкил қилишлари мумкин.

IV. Ташриф буюрувчиларнинг йиғилишларда қатнашиш тартиби

8. Бош бошқарма йиғилишларида жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг қатнашиши уларнинг ўтказилишига халақит бермаслиги керак.

9. Йиғилишда қатнашишнинг белгиланган тартиби бузилганда раислик қилувчи тартиб бузувчига танбех беради, тартиб қайта бузилганда эса уни йиғилиш залидан чиқариб юборади.

10. Йиғилишда иштирок этувчи ташриф буюрувчилар ёзиш, шунингдек, фотосуратга олиш, аудио ва видеоёзувни ўтказиш ҳуқуқига эгадирлар, агар бу йиғилиш ўтказилишига халақит бермаса.